# ХИЗМАТ КУРСАТИШ ШАРТНОМАСИ № 17

**Андижон шахар** **«31» август 2022 й**

Андижон шахар **«Сабр Ко»** маъсулияти чекланган жамияти кейига ўринларда **«Хизмат курсатувчи»** деб аталувчи корхона номидан тасдиқланган Низомга асосида иш юритувчи фирма директори Атабаев Хатамжон бир томондан ва **«Уз Корам Ко»** МЧЖ кейинчалик **«Буюртмачи»** деб аталувчи, корхона Низом асосида иш юритувчи корхона рахбари Г.З. Родрио иккинчи томондан қуйдагилар хақида шартнома туздик:

## 1. Шартнома мазмуни:

1.1. Ушбу шартномага асосан « **Хизмат курсатувчи** » « **Буюртмачи**» нинг топширигига асосан « **Буюртмачи**»га таниш булган юкларни тушуриш – юклаш , саклаш ва темир йулдан фойдаланиш хизматларини бажариб беради.

## 2. Томонлар мажбуриятлари:

2.1. **« Буюртмачи »** мажбуритялари:

2.1.1. Юк келиб туширилишидан камида 24 соат олдин, **« Хизмат курсатувчи »ни** ёзма огохлантириш, шу жумладан: юк номи, унинг хажми, сони, тара ва идишлар тўғрисида маълумот бериш;

2.1.2. Юк сақлашга топшириш чоғида ўзининг расмий вакили билан иштирок этиш ва хужжатларнинг расмийлаштириш ва божхона омбори ички қоида ва Низомлари акс эттирилган бўйруқ билан танишиш;

2.1.3. Юк бўйича ёки юкка тегишли хужжатлар бўйича гумон, келишмовчилик, тушумовчиликлар юзага келганда белгиланган тартибда экспертлар таклиф қилиш ва хужжатлар расмийлаштириш;

2.1.4. Омборда сақланаётган юкларни олиб чиқиб келиши тўғрисида . **« Хизмат курсатувчи »ни** олдиндан огохлантириш;

2.1.5. Омборда сақланган юкларни ўз вақтида ўз траспорти ва кучи билан олиб чиқиб кетиш.

2.1.6. Умумий қоидаларга кўра ишловчи учун ўзига мақбул қуйидаги хисоблаш усулига кўра:

1). 20-футлик контейнерга 1 кунига ЭКИХ БХМ базавий хисоблаш микдори 0,40 (нол бутун юздан кирк) баробари;

2). 40-футлик контейнерга 1 кунига ЭКИХ БХМ базавий хисоблаш микдори 0,50 (нол бутун юздан эллик) баровари;

3). Юклар 3 кундан ортиқ сақланса, кейига кунлар учун юқоридаги ставкалар 50 (эллик) фоиз микдорида камайтириб хисобланади.

4). Божхона омбори буйича хизматлар шартноманинг ажралмас кисми булган прайс листга асосан амалга оширилади ва умумий йиллик суммаси 767 807 633 (Етти юз олтмиш етти миллион саккиз юз етти минг олти юз ўттиз уч)сум ни ташкил килади.

2.2.. **« Хизмат курсатувчи »** мажбуриятлари:

2.2.1.**« Буюртмачи »нинг** юк ташиш тўғрисида огохлантиришдан сўнг юк учун жой ажратиш;

2.2.2. Юк сақланишини таъминлаш;

2.2.3. Юк учун тўлиқ жавобгарлик;

2.2.4. Ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра юк сақланишига хавф туғдирувчи холатлар тўғрисида . **« Буюртмачи »ни** огохлантириш;

2.2.5. Белгиланган муддат ва тартибда юк сақланганлиги учун тўлов талабномаларини расмийлаштириш.

## 3. Томонларнинг жавобгарлиги

3.1. Томонлар ушбу шартнома бўйича қонунларда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

3.2. Юкка етказилган зарар « **Хизмат курсатувчи** » айби билан бўлмаса, у жавобгарликдан озод этилади.
3.3. « **Хизмат курсатувчи** » моддий жавобгарлиги юкнинг фактурадаги киймати доирасида бўлади. Олинмаган фойда ва бошқа зарарлар тўланмайди.
3.4. Темир йўл вагонларининг ёки бошқа траспорт воситаларининг ушланиб қолиши учун « **Буюртмачи** » ўзи жавобгар бўлади.
3.5. ГАЖК «Ўзбекистон темир йўллари» раисининг 06.12.2007 йилдаги №403-А-сонли буйруғининг 1-моддасига кўра вагонларнинг ушлаб қолганлиги учун жавобгарлик божхона омборида юкланганлиги учун « **Буюртмачи** » томонидан вагонлар ушланиб қолганлиги учун. ваго созлиги ва тозалик холатига оид тўла жавобгарликни « **Буюртмачи** » амалга оширади. Қонун бўйича хамма жарима ва бошқа сўроқ саволларга « **Буюртмачи** » ўзи жавоб беради.

## 4. Хисоб-китоблар

4.1. Ушбу шартноманинг 2.1.6-моддасига кўра танланган ўлчов бирлигидаги калькуляция асосан хисоб китоблар амалга оширилади.
4.2. Божхона омборидаги темир йўл вагонида келган юкларни олиб келиш ва олиб чиқиш бўйича бўладиган қўшни ташкилотлар билан молиявий алоқаларни мижознинг ўзи амалга оширида.
4.3. Юкни расмийлаштириш билан боғлиқ тадбираларга сарфланадиган вақт учун ёки юкни расмийлаштиришга хизмат кўрсатувчи идоралар ходимлари ўз вақтида келмаганлиги оқибатида сарфланадиган вақт учун хам « **Буюртмачи** »дан хақ олинади.
4.4. Юк сақланганлиги учун тўлов талабнома « **Буюртмачи** »га тақдим қилингач тўлов кечиктирилмай амалга оширилиши шарт;
4.5. Юк сақланганлиги учун хақ тўланмаса, « **Хизмат курсатувчи** » юк ушлаб қолишга хақли. Бу холда юкни ортиқча ушлаб қолинган кунлари учун « **Буюртмачи** »дан жамрима қўлланган холда юқори ставкаларда хақ олади.
4.6. Шартнома бўйича ўзаро келишмовчиликлар хўжалик судаларида кўрилади.

## 5. Бошқа шартлар

5.1. « **Хизмат курсатувчи** » томонидан « **Буюртмачи** » га кушимча хизмат кўрсатиш талаб килинган такдирда, ушбу курсатиладиган хизматлар учун туловлар иккала томон келишувига асосан шартномага илова тарзида киритилади.
5.2. Ушбу шартнома тарафлар имзоланган куни кучга кириб шартнома тулик бажарилгунига кадар амал килади.
5.3. Ушбу шартнома 2 нусхада тузилди, биринчиси « **Буюртмачи** »да, иккинчиси « **Хизмат курсатувчи** » сақланади.

## 6. Томонлар манзиллари ва реквизитлари

| | |
|---|---|
| **«Сабр Ко» МЧЖ** | **«Uz Koram Ko» МЧЖ** |
| **Андижон ш. Янгиайланма-1 уй** | **Анд.ш.Янгиайланма - 1 уй** |
| **Х/р: 20208000500185594001** | **Х/р 20208000100516389001** |
| **АТБ «Хамкорбанк»** | **АТБ«Хамкорбанк» Андижон** |
| **МФО: 00083 ИНН: 200239463** | **МФО: 00083 ИНН: 200908901** |

**Рахбар** ________________ **Х. Атабаев**

**Рахбар** ________________ **Р.Галвез**